

## ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОСИСТЕМАГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

**Остонов Ўткир Янгибоевич,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти, мустақил тадқиқотчиси  
Тел.: +998944777601  
e-mail: [vatkan77@mail.ru](mailto:vatkan77@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада туризм соҳасига оид терминлар бўйича назарий қарашлар, терминнинг тилшунослик объекти сифатида белгиланиши ва унинг тизимли равишда ўрганилиши ва термин лексик-грамматик тушунчалар тизими ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Термин, терминология, терминосфера, терминосистема, синонимия ва полисемия муаммолари, гибрид терминлар ва соф терминлар.

**Аннотация:** В статье говорится о теоретических воззрениях на термины, относящиеся к сфере туризма, определении термина как языкового объекта и его систематическом изучении, а также системе лексико-грамматических понятий термина.

**Ключевые слова:** Термин, терминология, терминосфера, терминосис, проблемы синонимии и полисемии, гибридные термины и чистые термины.

**Abstract:** The article talks about the theoretical views on the terms related to the field of tourism, the definition of the term as a linguistic object and its systematic study, and the system of lexical-grammatical concepts of the term.

**Key words:** Term, terminology, terminosphere, terminosis, problems of synonymy and polysemy, hybrid terms and pure terms.

Жаҳон тилшунослигида махсус терминологик маъно касб этган ўзига хос тил бирлиги – терминни ўрганишга бағишланган бир қанча лингвистик тадқиқотлар амалга оширилган. Илм-фан, техника тараққиётидаги кескин юксалиш ва ишлаб чиқариш, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши натижасида детерминлашган терминнинг табиатига нисбатан XIX асрда юзага келган илмий-фалсафий қизиқиш бу каби тадқиқотлар учун замин яратди. XVIII—XIX асрларда терминология муаммолари тилшуносларнинг диққат марказида бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири терминларнинг яратилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи сабаби экстралингвистик омилларнинг терминологияга таъсири эди. Бироқ уларни терминологияда учровчи синонимия ва полисемия муаммолари, шунингдек, термин-лексемалар, гибрид терминлар ва соф терминларнинг контекстдаги парадигматик ва синтагматик

муносабатлари, муайян тушунчалар билан ўзаро алоқаларни хилма-хиллиги кўпроқ ўйлантирган.

Аввалдан қўлланилиб келинган «термин» ва «терминология» масалалари юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, турли таърифлар берилган. «Термин» лексемаси лотинча «terminus» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «охири», «чек», «чегара», «тугаш» деган маъноларни билдиради». П.Нишонунинг таъкидлашича, «Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир». Термин – мазмунан муайян мантиқий тушунчалар тизимидаги маълум бир бирлик билан шартсиз равишда (мажбуран) нисбатланадиган (қиёсланадиган) сўз. Терминнинг тилшунослик объекти сифатида белгиланиши ва унинг тизимли равишда ўрганилиши «термин» тушунчаси изоҳ (дефиниция)ларининг шаклланишига, терминнинг тавсифланишига, у билан боғлиқ муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқилиши пировардида, терминшунослик фанининг юзага келишига туртки бўлди. Термин лексик-грамматик тушунчалар тизимидан қатъий ўрин эгаллади ва тил лексик-семантик тизимининг «тўлақонли аъзосига» айланди. А.Реформатский фикрига кўра, термин «шунчаки сўз» эмас, балки у «ноодатий» ёки «янги сўз» бўлсин, уни «рационаллаштириш» ва, ҳатто «ўйлаб топиш» мумкин бўлса ҳам у, энг аввало, сўздир, дея эътироф этади. Профессор С.Усмоновнинг тадқиқотлари терминшунослик учун муҳим аҳамият касб этиб, термин «...ҳам ишлаб чиқариш куруллари соҳасида, ҳам маданият ва фан соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар даставвал тил бирликлари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир», дея таъриф беради. Бизнингча, термин ўз лингвистик табиатига кўра, адабий тил луғавий тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бошқа тоифадаги сўзлардан илмий, техникавий ёхуд бошқа касбий тушунчаларни аниқ, ихчам ифодалаши ва ахборотга бойлиги билан ажралиб туради.

Сўнгги йилларда термин сўзи билан биргаликда «атама», «истилоҳ», «номенклатура» сўзлари ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, «термин» сўзи билан бир қаторда айни маънода «атама», «истилоҳ» сўзлари ҳам қўлланилмоқда. Лекин улар «термин» сўзининг тўлиқ маъносини ифода эта олмайди. «Атама» сўзи кенг маънода қўлланилиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилса, «истилоҳ» сўзини эса асосан тарихий мавзулардаги матнлар (масалан: адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.)да бемалол қўллаш мумкин. С. Усмонов фикрига кўра: « .... атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян

бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, термин тушунчаси «атама» тушунчасининг ичига кирувчи илмий-луғавий бирликдир».

О.Ахмедов ўз тадқиқотида «термин», «атама», «истилоҳ», «номенклатура» тушунчаларини фарқлаб, «Терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумидабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик birlikлардир», дея таъкидлайди. Шундай қилиб, терминшунослик бу тил лексикасини шакллантирувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Номенклатура тушунчасига энциклопедик луғатда таъриф берилишича «Номенклатура (лот. nomenclatura) — рўйхат, номлар рўйхати, шунингдек, фан, техника, ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳасида қўлланиладиган муайян термин ва категория номларининг рўйхати» деб кўрсатилган. Қўшимча сифатида П.П.Нишонов «Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган термин, аввало, шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тасниф беради. Номенклатурада эса бу нарса кузатилмайди. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «термин» номенклатурага нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб, махсус вазифадаги сўз маъносини берса, «номенклатура» ўзаро ўхшаш предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамадир», дея фикр билдиради.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, истеъмолда бўлган ва йиллар давомида амал қилиб келинган ва халқ нутқига сингиб кетган терминлардан ташқари айрим ўзлашма терминлар мазмун жиҳатдан чуқур ўрганилмасдан ҳам дабдурустдан янги терминлар сифатида ўзлаштирилиб, эскилари билан алмаштирилди. «Термин», «терминология» сўзи ўрнига «атама», «атамашунослик» лексемалари татбиқ этилиб, бу тушунчалар специфик характерда эканлиги эътиборга олинмади. «Атама» кенг қамровли тушунча бўлиб, унда терминологияга умуман тегишли бўлмаган топонимия, антропономия, ойконимия, яъни ономастикага алоқадор лексик birlikлар ҳам тушунилади. Профессор У.Турсунов ўзбек тили терминология масалаларига аниқлик киритиб, бир тушунчанинг турлича атама сифатида ёзила бошлаши; аниқ ва ихчам терминлар ўрнига узундан узок изоҳларнинг берилиши; термин яратишда она тили имкониятларидан кам фойдаланиш; ўзбек атамашунослигини бойитишдаги манбалардан бири ташқи омилга турлича ёндашиш услублари, фактлари мавжудлиги кўрсатилган.

Биз тадқиқотимизда аввалдан истеъмолда бўлган байналмилал «термин» ва «терминология» лексемаларини қўллашни лозим деб топдик.

Терминлар тил лексикасининг периферияси, яъни чеккасини ўзида намоён этади, деган эскича қараш аллақачон инкор этилган. Терминлар табиий тил

луғавий бирликларига хос барча белгиларга эга. Бироқ аниқ бир илм-фан соҳасига доир терминларнинг таркибини аниқлаш, уларни тартибга солиш, терминларни бир хиллаштириш ва янги илмий-техникавий соҳалар учун терминларни яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар лексикологиянинг муҳим йўналишларидан биридир».

Махсус сўзларни яратиш, мавжуд терминологик тизимларни такомиллаштириш, янги термин ва уларнинг тизимларини яратишнинг мақбул усулларини аниқлаш, билимларнинг турли соҳалари терминологиясига хос бўлган универсал хусусиятларини излашни кўзда тутди. Шу маънода термин тушунчаси атрофида содир бўлаётган турли хил янгиликлар, ишлаб чиқилган илмий-назарий қарашлар ҳамда тадқиқот натижалари нафақат тилшуносларни, балки бошқа соҳа мутахассисларини ҳам бирдек ўзига жалб қилади. Бунинг натижасида терминологиянинг назарий муаммолари муваффақиятли ўз ечимини топади ва янги терминларни шакллантиришга қаратилган янги илмий «терминшунослик» фанининг ривожланишига сабаб бўлди.

Демак, тилнинг лексик қатлами энг ўзгарувчан қисми бўлгани боис, у мунтазам тарихий таъсирларни бошдан кечиради. Ҳар бир даврнинг техник ва иқтисодий ривожланиши унинг коммуникативлик муносабатларини шакллантириб, бойитиб боради. Мазкур техник ривожланишлар натижасида замонавий тилнинг лексик системасида турли хил терминлар намоён бўлади. Коммуникатив муносабатларда ифодалана бошлаган терминларни тадқиқ қилиш терминшунос олимлар олдига муҳим вазифаларни белгилаб бериши билан бир қаторда, мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркор, ишбилармон ва ҳар бир соҳадаги мутахассис кадрлардан хорижий тиллардан бирини мукамал эгаллаши талаб этилмоқда.

Енгил саноат соҳасига тегишли бўлган терминларни ҳар тарафлама тадқиқ қилиб ўрганишга 2019 йил 16 сентябрда мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4453-сонли [1] қарори туртки бўлди ва мазкур Президент Фармонинининг ижросини мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун тегишли иш-иложлари ишлаб чиқилад бошлади. Жумладан, 2021 йил 19 майдаги —Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-5117-сонли қарори [2] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги —Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 312-сон [3] қарори инглиз тилини мукамал биладиган ва ушбу тилда эркин мулоқот қила оладиган мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бу эса мутахассисларга фаолияти давомида

ушбу соҳага ривожланган мамлакатларда яратилган инновацияларни жорий қилиш, ўз соҳалари бўйича эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар билан яқиндан танишиш каби катта талабларни келтириб чиқоради. Мамлакатимизда энгил саноат технологиясини ривожлантиришга бўлган талаб, ривожланган давлатларнинг иқтисодий ютуқларидан хабардор бўлиш ва улар билан ҳамкорликда иш олиб боришни мақсадга айлантирди. Масалан: Industrial fabrics – саноат газламалари, jacquard loom – жаккард тўқув дастгоҳи, jacquard machine – жаккард машинаси, flyer frame – айланма эшиш механизми, knitting–тўқиш, knitting needle – тўқув игнаси, jersey – тўқима мато, interlacing – ўриш, lopped thread–маҳкамловчи ип, manufactory–мануфактура, melt spinning–тола йигириш, garment–кийим, кўйлак андозаси

**Хулоса:** Туризм соҳасига оид терминосистемага янада кўпроқ илмий тадқиқотлар, янги терминлар яратиш лозим. Олимларимизнинг илмий ишлари бўйича терминнинг семантик тавсифлари: унинг услубий бетарафлиги, номинативликка интилиши, турли тиллар терминологиясидаги умумийлик ва фарқли жиҳатларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. «Давлат бюджетининг туризм ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26.08.2004.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).
3. Ўзбекистон Республикасининг Туризм кодекси: Расмий нашр –Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Тошкент, Адолат, 2008. –692

### **UNLOCKING THE POWER OF LANGUAGE: EXPLORING ITS INFLUENCE, EVOLUTION, AND IMPACT ON SOCIETY**

**N.Turdiyeva**

Scientific supervisor

**Baxtiyorov Otabek**

Samarkand Economic Service Institute

MN-423 group student

**Annotatsiya:** Ushbu maqola tilning dinamik sohasini o'rganadi, uning chuqur ta'sirini, evolyutsion sayohatini va jamiyatga keng qamrovli ta'sirini ochib beradi. Keng qamrovli tadqiqot orqali u tilning inson munosabatlarini qanday shakllantirishini, o'ziga xoslikni yaratishini va turli madaniyatlar va kontekstlarda